

### “ФАН” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

*Тургунов Тохир Азизович*

*ЎзДЖТСУ ижтимоий фанлар кафедраси в.б. доценти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада фан тушунчаси, мазмуни, фаннинг асосий мезон ва талаблари, фаннинг объектив оламни акс еттириш функцияси, фан ривожланишидаги ўзаро номутаносиблик тарихи, фан ривожланишига таъсир етувчи омиллар таҳлиliga бағишланган ва бу борада муаллий ўзининг шахсий қарашларини илгари сурган.

**Калит сўзлар:** Фан, фалсафа, илм, объектив олам, дин, географик омиллар, техника тараққиёти, юнон илм-фани.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются понятие науки, ее содержание, основные критерии и требования науки, функция науки по отражению объективного мира, история взаимного неравенства в развитии науки, анализ факторов, влияющих на развитие. науки, и автор изложил на этот счет свое личное мнение.

**Ключевые слова:** Наука, философия, наука, объективный мир, религия, географические факторы, технический прогресс, греческая наука.

**Abstract:** In this article, the concept of science, its content, the main criteria and requirements of science, the function of science to reflect the objective world, the history of mutual disparity in the development of science, the analysis of factors affecting the development of science, and the author put forward his personal views in this regard.

**Key words:** Science, philosophy, science, objective world, religion, geographical factors, technical progress, Greek science.

Сўнги юз йиллик мислсиз кашфиётлар асри сифатида тарихда мустахкам ўрин олди. Илм-фан соҳасида кўплаб муаммоларнинг ечимлари топилди. Техника ва технология соҳасида бемисл ютуқларга эришилди. Буларнинг ҳаммаси кўп жихатлардан инсон фаолиятини янги асосларда йўлга қўйишда, меҳнат самарадорлигини кескин кўтаришга олиб келди. Айни вақтда фан соҳасидаги раванқ янги-янги муаммоларни пайдо бўлишига ҳам олиб келди. Масалан, яратилган даҳшатли курол-яроқ техникаси инсоният ҳаётинихавф остига қўйди. XX аср бошларида фан ҳақида фалсафий фикрлар алоҳида аҳамият касб эта бошлади. Физикада нисбийлик назарияси, квант механикасининг кашф этилиши, биологияда генетик назариянинг пайдо бўлиши ва бошқа кашфиётлар фанда буюк ўзгаришлар бўлди. Булар фалсафа олдида жиддий муаммоларни қўйди. Фаннинг жамиятдаги ўрни тўғрисида янги фалсафий фикрлар шаклланди. Уларнинг баъзилари фаннинг ҳамма соҳадаги устунлигини кўрсатса (сцентизм), бошқалари фаннинг ривожланиши кутулмаган фожиаларга олиб келиши айтилди (антсцентизм). Куринадики, буларнинг ҳар бирини ўз ўрнига қўйиб фаннинг жамиятда тутган ролини тўғри белгилаш ва шу билан бирга уни инсонийлаштиришга қаратилган фалсафий муаммоларни майдонга ташлаши керак бўлди.

XXI асрнинг ўтган 15 йили мобайнида ҳам фан соҳасида кўплаб ютуқларга эришилди. Бу ютуқлар инсоният тараққиётига ҳам ижобий, ҳам салбий томондан таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабдан фан соҳасини ўзини тадқиқ қилиш ҳар жихатдан муҳимдир. Бу вазифани эса фанни ўзига четдан назар солгандагина унинг тараққиёти қайси томонга кетаётганини кўришимиз мумкин бўлади. Зеро фан ривожланиши инсониятга хизмат қилиши учун унинг натижаларини олдиндан кўра олиш лозимдир.

Ҳозирги даврда жамият тараққиёти кўп жихатдан фан йўтуқлари ва натижаларига боғлиқдир. Бу тўғрисида гапирганда И.А.Каримовнинг “Зеро илмга интилиш йўқолса, фан

тараққий этмайди, илм-фан ривожланмаса – жамиятнинг келажагини тасаввур этиб бўлмайди. Бу ҳақиқатни барча теран ҳис қилмоғи даркор”[1], деган фикрларини эслаш ўринлидир. Ҳақиқатдан ҳар қайси жамият тараққий этиши учун биринчи навбатта илм фанга этибор бериши лозим бўлади. Бу фикрни бирор бир мисол билан исботлаб ўтириш шарт эмас деб ўйлаймиз. Чунки, инсоният тараққиётининг ўзи бу фикрни исботидир.

“Фан” тушунчасига кўплаб олимлар қизиқиб ёндошганлар лекин, яқдил бир таъриф берилмаган. Ҳар қайси олим ўзининг салоҳияти ва эътиқодидан келиб чиққан ҳолда фан тушунчасига таъриф берган. Энди мана шу олим ва файласуфларнинг фан тушунчасига берган таърифларини баъзилари билан танишиб чиқамиз.

Илмий билимларнинг илк куртаклари Шарқ мамлакатларида пайдо бўлганлиги маълум. Шу билан бирга тажрибага асосланган илмий билимлар тизими Европада бундан икки ярим минг йил олдин пайдо бўлди. Табиат ҳақидаги биринчи билимлар тизимининг яратилиши Фалес ( э.о. 625 -547), Пифагор (э.о. У 1 аср). Анаксимандр (э.о. 610 -547) каби файласуфларнинг номлари билан боғлиқ.. Биринчидан, улар фактларни тартибга келтирдилар ва мантқий асосладилар, натижада табиат ҳақида билим тизими назарияси вудужга келди. Иккинчидан, дунёнинг моҳиятини, биринчи асосини тушунишга ҳаракат қилдилар. Уларнинг илмга бундай қараш, муносабатлари Миср, Бобил кохинларидан булганидек “муқаддас”, “илоҳий” деб қаттиқ “сир” тutilмасдан балки, дунёвий одамлар, реал шахслар амалга оширдилар ва кейинги авлодга қолдирдилар. Танланган одамларгагина эмас, бу билимларни ҳамма истовчиларга ўргатдилар. Натижада қадимги юнонлар ўз даврига монанд ажойиб математик назария туздилар, космик тизимни майдонга ташладилар, физика, биология, социология, психология, медицина, астронимия ва бошқа фанлар учун назарий замин яратдилар.

Бироқ, фаннинг пайдо бўлишини фақат Ғарбий Европа билан боғлаш тўғри бўлмайди. Бу ерда фан фақат европаликлар томонидан яратилган деган ғояни илгари сурувчи «европоцентризм»га берилиш ҳеч гап эмас.

Платон академиясида, Аристотель лицейларида, Пифагор мактабларида бу фанлар илмий предмет сифатида ўқитилди, илмий изланишлар олиб борилди.

Антик даврда мана шу юқорида такидлаганимиз Сукрот, Платон, Аристотель каби файласуфлар билим ва билиш ҳақида турли фикрларни баён этишган. Хусусан, Сукрот “Билим, биринчидан, маскур тушунчанинг ўхшаш томонларини ёки умумий томонларини бошқа тушунчалардан аниқлашни талаб этса, иккинчидан, тушунчалар ўртасидаги фарқларни аниқлашни кўзда тутати. Билимнинг предмети, Сукрот фикрича, инсоннинг мақсадига мувофиқ келадиган бўлиши лозим”[2]. Сукрот билимни мақсадга мувофиқ келиши масаласига эътибор бериши антик давр тафаккури учун жуда катта ютуқ ҳисобланади. Бундан ташқари мақсадга мувофиқ амалга оширилган тадқиқотларгина ўзини самарасини бериши ҳозирги кунда ўз исботини топганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Сукротнинг издоши антик давр йирик файласуфларидан бири Платоннинг билим, унинг моҳияти тўғрисидаги фикрлари ҳам ўзига хос ҳисобланади. Платон фалсафаси асосан идеалистик бўлганлиги сабабли билим ва билиш масаласига ҳам идеалистик жихатдан ёндашади. “Билим Платон фикрича, рангсиз, шаклсиз ва аниқланмайдиган моҳиятдир. Билим фақат жонга озуқа берувчи – ақлга (Худога) кўриниши мумкин. Маълум вақт ўтиши билан борлиқни кўрган жон бундан мамнун бўлади. Ҳақиқатни кузатувчи жон ундан озуқа олиб, бахтиёр бўлади. Худолар кетидан борувчи жанларнинг энг қобиятлилари худолар кетидан қолмай, уларга ўхшаб осмонни айланма ҳаракати билан қизиқишади. Ана шу айланма ҳаракат чоғида жон илмни ҳис қилади. “Жон куззатаётган илмни пайдо бўладиган ва биз биладиган мавжуд илмни эмас, балки ҳақиқатни ҳеч қачон кўрмайдиган жон” инсон қиёфасига кира олмайди. Чунки инсон ғоялар асосида ҳақиқатни англаши зарур. “Кўпгина

хиссий қабуллаш асосида у мантикий мулоҳаза орқали умумийликка эришади”[3]. Келтирилган кўчирмадан кўриниб турибдики, Платон билим ва билиш масаласига идеалистик нуқтаи-назардан ёндашади. Платонни фикрича инсон билим орқали худони билиб боради, инсон қанча кўп билимга эга бўлиб борса шунча худога яқинлашади ва олам сирлари англай бошлайди.

Юнон файласуфларидан бири Аристотель ҳам фан соҳасида биринчи бўлиб фанларни таснифлаб берди. У асосан фанларни иккига, назарий ва амалий фанларга бўлади. Аристотель мавжуд фанлар ичида назарий фанларни ниҳоятда йўқори кўяди. Бу фанлар ибтидо ва уларнинг сабаблари ҳақида билим беради, шунинг учун назарий фанларнинг фалсафа билан “фикри” бир, деб ҳисоблайди. Аристотель амалий фанларнинг вазифаси ўз навбатида “амалёт” бўлиб ҳаракат қилувчиларнинг фаолиятлари билан боғлиқ деган фикрни билдиради.

Ўрта аср Мусулмон Шарқи мамлакатларида ҳам етук мутафаккир олимлар йитишиб чиқди. Улар ҳам билиш, билим ва фан ҳақида асосли фикрлар айтиб ўтишган. Булардан Форобий, Беруний ва Ибн Синоларни кўрсатиш мумкин.

Ўрта асрларда Ўрта Осиёлик буюкфайласуф ва олим Абу Наср Ибн Муҳаммад ал-Форобий (870-950) инсон билиш фаолияти, билим ва фан масалаларини атрофлича ўрганди. Хусусан, Форобий борлиқни инсон била олишини қайд қилиб, инсоннинг билишини, унинг руҳий қобиятларини инсон мияси бошқаради, барча руҳий “қувватлар”, жумладан билиш қобияти ҳам унга боғлиқ, дейди. У ўзининг “Илм ва санъатнинг фазилатлари” рисоласида инсоннинг табиатни билиши чексизлигини, билим билмасликдан билишга, сабабиятни билишдан оқибатни билишга, акциденция (ал-ораз)ларда, яъни сифатлардан субстанцияни – моҳиятни (жавҳар)ни билишга қараб боришини, илмни борган сари ортиб, чуқурлашиб боришини айтади[4]. Форобийни бу каби фикрлари Ўрта аср руҳияти учун жуда катта йўтуқдир. Айниқса, Форобийни илмни борган сари ортиб бориши ҳақидаги фикрлари ҳозирга кунда илм-фаннинг ривожланиши жараёнида ўз аксини топган.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Каримов И.А., Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили//Бунёткорлик йўлида. 4-жилд, Т., “Ўзбекистон”. 1996. 44-б.
2. Йўлдошев С, Усмонов М, Каримов Р., Қадимги ва ўрта аср Ғарбий Европа фалсафаси. Т., 2003. 34-б
3. Йўлдошев С, Усмонов М, Каримов Р., Қадимги ва ўрта аср Ғарбий Европа фалсафаси. Т., 2003. 54-б
4. Маматов Н, Ҳожибоева, ЖўраевШ., Фалсафа тарихи Т., 2006. 74-б.